O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 2000 йил 1 март, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 18 (7213)

**Da'vat**

Сиҳат тиласанг
кўп ема,
Иззат тиласанг
кўп дема.

Алишер
НАВОИЙ

**Ibrat**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни амалга ошириш ҳамда баркамол авлодни тарбиялаш жараёнини изчил ёритиб бораётганлиги учун "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталарига юз минг сўм, "Маърифат" ва "Учитель Узбекистана" газеталари, "Халқ таълими" ва "Таълим тараққиёти" журналларининг ҳар бирига эллик минг сўм миқдорида мукофот ажратилди.





## «СИРЛИ» САВОЛЛАР СИНОАТИ

**Qutlug' ostona**

*Бугунга келиб кўпчилик юртдошларимиз "2000 йил — Соғлом авлод йили" дея эътироф этилишининг асл моҳиятини чуқур англамоқда. Айниқса, ўтган ҳафта Оқсарой қароргоҳида "Соғлом авлод" давлат дастурини бажаришга доир ишларни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш республика комиссиясининг мажлиси тафсилотлари кенг жамоатчиликка етказилгач, масала янада ойдинлашди. Тасаввуримиздаги умумий йўналишлар аниқлик касб этди. Бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар хусусида яна кўп гапириш мумкин. Бизга авлод соғлом бўлиши учун нималар қилиш кераклигини бот-бот такрорлашдан кўра "нима қилаяпмиз?" деган саволга жавоб бериш барчамиз учун фойдали кўринади.*

*Пойтахтимиздаги 297-мактабда бир неча йиллардан бери "Қизлар клуби" фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу даврда клуб қизлари "Оила остонадан бошланади", "Иқбол", "Аёл — оила чироғи", "Қиз бола либоси билан гўзал" каби конкурслар, давра суҳбатларини мунтазам уюштириб келмоқда. Яқинда А.Икромов туман халқ таълими бўлимининг ташхис маркази билан ҳамкорликда ўтказилган очиқ мулоқот ҳам оилада қиз бола тарбиясига бағишланди. Мулоқотда мактаб раҳбари С.Салимова, ТДИУ ижтимоий психология кафедраси доценти Ф.Акромова, туман ташхис маркази шифокори Н.Шамсиевалар иштирок этдилар. Мутахассислар мактаб ўқувчи қизлари билан ўсмирлик ёшида қиз боланинг ёш психологик хусусиятлари, жинсий ҳаёт муаммолари, оилавий ҳаётга тайёрланиш масалалари, никоҳ олди омилларининг оила мустаҳкамлигига таъсири, севги-муҳаббатнинг кўринишлари, босқичлари ва оқибатлари ҳақида атрофлича фикр алмашдилар. Қизлар учун "сирли" туюлган кўпгина саволларга ойдинлик киритилди.*

**Ф.КАРИМОВ**

**Суратда:** *шифокор Нигора Шамсиева ,кўргазмалар ёрдамида қизларнинг саволларига жавоб бермоқда.*

**Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.**

## JUMLADA JAHON

**• Ўзбекистон ёш олимларининг миллий жамияти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси раёсати Фан ва давлат қўмитаси билан ҳамкорликда "Ёш олимлар гиёҳвандларсиз жамият учун" мавзуида семинар ўтказди.**

**Нурота туманида "Соғлом авлод" давлат дастурини бажариш мақсадида туман марказий туғруқхонасини жаҳон андозалари асосида таъмирлаш учун Финляндиянинг "Медко-медикал" фирмаси томонидан 1 миллион 300 минг АҚШ доллари қийматига эга бўлган янги линия келтирилди.**

**• Олий Мажлиснинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси томонидан уюштирилган "Аграр муносабатларни эркинлаштириш" мавзуидаги "Давра суҳбати"да аграр соҳасига доир камчилик ва муаммолар айтилди, амалдаги айрим қонунларга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш лозимлиги ҳақида мулоҳазалар билдирилди.**

**• 24 февраль куни Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Алишер Файзуллаев Қиролича Елизавета Иккинчига ишонч ёрлиғини топширди.**

**• Халқаро валюта жамғармасининг (ХВЖ) ижрочи директори лавозимига Япониядан номзоди кўрсатилган Эйсукэ Сакакибару жамғармага раҳбарлик қилишга тайёрлигини маълум қилди, фақат ХВЖга аъзо мамлакатлар унинг номзодини қўллаб-қувватласа бўлгани.**

**• Миср парламенти бундан бир неча йил муқаддам Президент Анвар Садатнинг экстремистлар томонидан ўлдирилганлиги сабабли, мамлакатда жорий этилган фавқулодда ҳолат режимини яна уч йил муддатга узайтирди.**

**• Ироқ соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълумотига кўра, БМТнинг иқтисодий жазоси туфайли шу йил январь ойининг ўзида 11 мингдан зиёд одам нобуд бўлди, уларнинг 8,5 мингга яқинини 5 ёшгача бўлган болалар ташкил қилади.**

**• Буюк Британиянинг "Бритиш Петрокум-Амоко" нефть концерни Жазоирнинг жанубий чўлларидаги "Ин Сала" номли йирик газ конини ўзлаштиришга киришмоқда – мазкур концерн "Ин Сала" лойиҳаси учун 2,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида сармоя сарфлайди.**

## Ўқитувчи ён дафтарига

### ЯНГИ ҚОНУН БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯЛАЙДИ

**Энг таажжубланарлиси ўз ота-онасидан. Буюк Британияда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан қабул қилинган янги қонунга кўра, фарзандини урган ота-она қамоқ жазосига маҳкум этилади.**

### АНТИҚА БИЛАГУЗУК

**"Элпаз" компанияси мутахассислари она ва бола учун махсус билагузук яратишди: инфрақизил нурлар ва радиосигнал ёрдамида бола қўлидаги билагузук мунтазам она қўлидаги билагузукка боланинг қаердалиги ҳақида аниқ маълумотлар етказиб туради.**

### ГУЛ ҲИДИ ҚЎРҚУВНИ БОСАДИ

**Франциянинг Бордо шаҳридаги университет шифокори Жан Легруа ўз тадқиқотлари самараси сифатида шундай хулосага келди. Шифокор, айниқса, тиш доктори қабулидан қўрқадиганлар учун атиргул ҳидлашни тавсия этмоқда.**

### КУТИЛМАГАН ЯНГИЛИК

**Парижлик астрономлар томонидан кашф қилинган ушбу янгилик, дарҳақиқат, фазошунослар учун кутилмаган янгилик бўлди. Француз олимлари Акила юлдузлар туркумида тоза спирт томчиларидан иборат улкан булутлар тўдаси мавжудлигини ва бу булутлар Қуёш тизими сайёралари томон ҳаракатланаётганлигини аниқлашди.**


**Методология ва педагогика фани**
**2-,3-бет**

**Аҳилликда гап кўп**
**2-бет**

**Улар Канадага боришади**
**2-бет**

**«Сумалак» дарси**
**3-бет**

**Саёҳат дарсларининг самараси**
**3-бет**

**Мусобақада қатнашинг!**
**4-бет**


## НЕГА АМИР ТЕМУР ЎЗ НАБИРАСИНИНГ УЙЛАНИШИНИ КЕЧИКТИРГАН ЭДИ?

**2000 yil — Sog'lom avlod yili**

Ҳар бир замонда кишилар ўз келажак авлодларининг соғлом, виждонли, имонли, меҳнаткаш, бир сўз билан айтганда, пок инсон бўлиб етишишларини орзу қилганлар ва шунга интилиб яшаганлар. Айни шу орзу-тилакларни ифодаловчи халқ эртаклари, достонлари юзага келган, болани комил инсон қилиб тарбиялаш мақсадида қобусномалар яратилган. Шунинг учун ҳам ўтмиш меросимизни, қадриятларимизни аниқ ўрганиш — замон талабига айланган.

Жамиятимизда кишиларнинг маънавий жиҳатдан ҳам бой бўлишлари учун жуда катта ишлар қилинмоқда. Маънавият тарғиботида матбуотнинг амалга ошираётган ишлари диққатга сазовордир. Мактабда одобнома дарслари ўтилмоқда. Тарбиявий соатларда ўқувчиларнинг маънавий поклик тўғрисидаги тасаввури шаклланмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида савдо билан шуғулланадиган кишилар сони ортди. Албатта, бу соҳада баъзан ёлғонни чин қилиб кўрсатишга уринадиганлар учраб туради. Халқимизда "Икки ёлғон — бир қасам", деган ҳикмат бор. Савдо-сотиқда ёшларнинг иштирокида эҳтиёт бўлмоқ, ҳар қадамда уларнинг тўғрисўз ва ҳалолликка риоя этишларини назорат этишга тўғри келади. Улар ёлғонга одатланиб қолмасликлари лозим.

Шунингдек, ҳозирги пайтда қадимда катта айб саналган судхўрлик, яъни маълум муҳлатга пулни фоизи билан қарз бериш каби фойда топиш йўллари одатга кирмоқда. Бу йўл маънавиятга салбий таъсир қилишини ёшларга тушунтириб бериш лозим. Умуман, ёш авлод тарбиясида классик ашула ва рақсларимизнинг таъсири, аҳамияти улкан. Бироқ баъзан тўй ва йиғинлардаги олатасир ўйинлар, маънисиз ашулалар ёшларнинг бу санъат турларидан оладиган завқ ва ибратларига ўзгача таъсир кўрсатиши сир эмас.

Ёшларни маънавий бой қилиб камол топтиришда диний тарбиянинг моҳияти каттадир. Ўқувчиларга ҳалоллик, поклик ва тўғри иш тутиш зарурлигини уқтиришда ҳам руҳоний, ҳам адабиёт ва санъатимиз ал-

**(Давоми 3-бетда)**

## МУАММОНИНГ МОҲИЯТИ МУҲИМРОҚ

**Hay'at yig'ilishida**

Кеча республика Халқ таълими вазирлигининг навбатдаги ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев бошқарган ошкора мусоҳабада Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ ходимлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ХТБ бошлиқлари ва мутасадди раҳбарлар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тафтиш комиссияси аъзолари ҳам иштирок этди.

Ҳайъат йиғилишида кун тартибига киритилган "Давлат мулкини сақлаш ва бу ишни янги талаблар асосида ташкил қилиш" ҳамда "Таълимда маркетинг тизимини такомиллаштириш" каби икки муҳим масала атрофлича муҳокама этилди.

Республика миқёсида олиб борилган таҳлилий кузатувлар натижасига кўра, ҳар иккала масала юзасидан ҳам жойларда камчиликларга, қонунбузарликларга йўл қўйилаётганлиги қайд этилди. Таъкидлаш жоизки, бундай натижа буюк орзулар билан яшаётган, ислоҳотлар уммонида фаолият кўрсатаётган соҳа кишиларини асло қониқтирмайди.

— Республикамизнинг деярли барча ҳудудларида таълим тизими раҳбарлари фаолиятида кузатилган бир ўхшашлик, умумийлик, кўзга яққол ташланади, — деди халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев. — У ҳам бўлса, тизимда амалга оширилаётган молиявий операцияларнинг назорат қилинмаслиги, соҳага тасодифий ёки номуносиб кадрларнинг келиб қолиши ва бунинг оқибатида юзага келаётган муаммолар ўрганилмаслиги ташвишлидир.

Бу каби камчиликлар ўз навбатида қонунбузарликларга кенг йўл очиб бериши, афсуски, бугун айрим халқ таълими раҳбарлари мисолида ўз исботини топди.

Таълимда маркетинг тизимини такомиллаштириш, аввало, таълим бозори нима эканлигини англашга боғлиқ. Педагогик ходимларнинг ҳудудий тақсимланишидаги мутаносибликка эришиш, таълим муассасалари моддий базасини «ишлаб чиқариш» ва «хизмат кўрсатиш» эвазига мустаҳкамлаш масалаларидаги оқсоқлик танқидий ўрганиб чиқилди.

Халқ таълими вазирлигининг ушбу ҳайъат мажлиси тафсилотлари билан навбатдаги чиқишларимизда батафсил танишишингиз мумкин.

**МУХБИРИМИЗ**

## УМУМИЙ ЎРТА ВА КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ УЗВИЙЛИГИ

**...maktab+kollej...**

Ҳозирги даврда малакали кичик мутахассисларни тайёрлаш учун умумий ўрта ва касб-ҳунар таълими фанлари мазмунининг узвийлигини таъминлашимиз керак. Умумий ўрта таълим ўқув фанларининг халқ хўжалиги соҳалари учун алоҳида хизматларини таъкидлаган ҳолда шу нарсани қайд этиш жоизки, "Меҳнат таълими" ўқув предмети ўрта махсус, касб-ҳунар коллежларида малакали кичик мутахассислар тайёрлашда ҳам алоҳида хизматга эга. Чунки мактабдаги меҳнат ва касб таълимида ўқувчи ўзининг қизиқиши, лаёқатига мос меҳнат таълими туридан (техник меҳнат, қишлоқ хўжалиги меҳнати ва ҳ.к.) билим ва дастлабки кўникмаларини ўзида шакллантиради ва кейинчалик шу йўналиш бўйича ташкил этилган касб-ҳунар коллежида ўқишни давом эттириб, малакали кичик мутахассис бўлиб етишиб чиқади. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, жойларда умумий ўрта таълим мактаблари меҳнат таълими турларини танлашда мактаб педагогик кенгашидан мактабнинг ҳудудий ва жўғрофий жойлашганлигини, шу ҳудудда ташкил этилган касб-ҳунар коллежи йўналишларини эътиборга олишларини талаб этади.

Ҳозирги кунда бу талабни эътиборга олиш мактабда меҳнат таълимининг қайси турини ташкил этиш ўқув-моддий базанинг мавжудлигига; меҳнат таълими ўқитувчиларининг малакасига; ишлаб чиқариш муҳитига боғлиқлиги сезилмоқда.

Мактабдаги меҳнат таълими дарслари юқори синф ўқувчиларининг касб танлашгача бўлган тайёргарлигини, уларда малакали меҳнатни бажариш учун зарур бўладиган билимлар, кўникма ва малакаларни ҳосил қилишни, уларни меҳнат таълими тури билан боғлиқ бўлган хилма-хил касблар билан таништиришни ҳамда шу ҳудудда жойлашган ўрта махсус, касб-ҳунар муассасаларида ўзлари қизиққан ва лаёқати бор касб йўналиши бўйича мутахассислик олишни мақсад қилиб қўйиши зарур. Бунда меҳнат жараёни

**(Давоми 2-бетда)**

## МАКТАБДА КАФЕДРАЛАР ТУЗИЛДИ

**Yangilik**

**Андижон вилояти Булоқбоши туманидаги 6-ўрта мактабда фан кафедралари иш бошлади. 5 бўлимдан иборат кафедралар қуйидагича тузилган: 1. Тиллар кафедраси (она тили, рус тили, чет тили). 2. Аниқ фанлар кафедраси (математика, физика, кимё, биология). 3. Ижтимоий фанлар кафедраси (тарих, география, ҳуқуқшунослик). 4. Бошланғич синфлар кафедраси. 5. Соғломлаштириш кафедраси.**

**Бу жараённинг афзаллик томони шуки, ижодкор ўқитувчилар учун имконият кенгайди. Бу эса ёш авлоднинг тўғри таълим-тарбия, чуқур билим олишлари учун яратилган қулайликлардан биридир.**

**Замира ТУРҒУНОВА**

## "ЎҚУРДА УНУТМА, ДУА ҚИЛ МЕНГА"

**Bu sizning kitobingiz: o'qing, o'rganing, asrang, avaylang**

XI асрнинг буюк мутафаккири Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг "Қутадғу билиг" ("Саодатга йўлловчи билим") асарида китобхонга мурожаат қилиб:

*"Бу туркча қўшуқлар тузаттим сенга,*
*Ўқурда унутма, дуа қил менга",* — деб ёзган эди.

Адибнинг ана шу эзгу ниятлари амалга ошмоқда. Яқинда нашрдан чиққан "Ўзбек адабиёти" дарслиги адибнинг шу тилакларига ҳамоҳанг бўлди (Боқижон Тўхлиев. Ўзбек адабиёти. 9-синф учун дарслик.Тошкент, "Ўқитувчи" нашриёти, 2000 йил).

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошланган янги ташаббус, адабиёт дарсликларининг янги авлодини яратиш, энг аввало, янги "Ўзбек адабиёти" дастурини яратиш билан кўзга ташланган эди. Дастлаб 5, 6, 7, 8, 11-синфлар учун, сўнгра 10-синф учун ҳам адабиёт дарслиги яратилди. Ниҳоят, 9-синфлар ҳам ушбу дарсликка эга бўлишди.

Матбуотда дарсликлар ҳақида анча-мунча гаплар айтилди, ўқитувчилар янги дарсликка кўз тикишди, ўқувчилар дарсликсиз қийинчиликларга дуч келишди.

Адабиётимизнинг қадимги даврлари ўқиш-ўқитиш жараёнидаги энг оғир, мураккаб даврлардан ҳисобланади. Гап манбаларнинг қадимийлигида ёки уларнинг тилидаги ўзига хослик ва нисбатан эскирганида эмас, кўпроқ шу давр ёдгорликларини ўрганиш билан шуғулланадиган мутахассисларнинг саноқли эканлигида ҳамдир. Муҳими, дарслик қўлимизга тегди. Ундаги "Адабиёт — халқ ҳаётининг кўзгуси", "Энг қадимги адабий ёдгорликлар", "Қадимги қўшиқлар", "VII-XII асрлар адабиёти", "XIII-XIV асрлар адабиёти", "XV асрнинг 1-ярми адабиёти", "Жаҳон адабиёти" сингари бўлимлар китоб мазмуни ҳақида ёркин маълумот бера олади.

Биз дарслик маълумотларини илм-фанга маълум бўлган ҳақиқатлар баёнидан иборат бўлиши керак, деган ақидага ўрганиб қолганмиз. Ушбу дарсликда фақат болалар учун, аниқроғи, 9-синф ўқувчилари учунгина эмас, умуман,

**(Давоми 2-бетда)**

## ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

**Ogohlikka da'vat**

Бухоро вилояти, Олот туманидаги 8-ўрта мактабда "Ҳушёрлик сабоқлари" дарслари ташкил этилди. Мактаб ўқитувчиларининг ҳар ҳафта сешанба куни бўладиган "Дунё воқеалари" машғулотида «Сергаклик, огоҳлик, ҳушёрлик", "Ўзингни, ўз уйингни ўзинг асра!" мавзулари маърузаларида тарих ва ҳуқуқшунослик фани ўқитувчиси Шокир Тангриев маърузаси энг яхши деб топилди.

Ўқувчилар жамоаси билан ҳам "Маънавият , маърифат" машғулотларида 2 соатдан "Ҳушёрлик сабоқлари" дарси ташкил этилди. Бу жараён эса ота-она — бола — мактаб ҳамкорлигини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

**Шопи ҚОРЁҒДИЕВ, 8-ўрта мактаб директори ўринбосари**

## Ming marta eshitgandan...

### САМАРҚАНДГА САЁҲАТ

Яқинда Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси ташаббуси билан Кўкалдош ислом ўрта махсус билим юрти устозлари, ҳажга борувчилар, маҳалла жамоаси, мактаб-интернат ўқувчилари, мазкур билим юрти аълочи талабалари гуруҳи биргаликда Самарқандга, Имом Бухорий зиёратгоҳига бориб келдилар. Зиёратчилар ҳадис илмининг султони, буюк аллома, машҳур зот ҳақида тўлиқ ва батафсил маълумот олдилар. Мажмуанинг архитектураси, нақши, хоналарнинг безатилганлиги ва жиҳози, мақбаранинг ўта нозик дид билан ишланганлиги, 1500 кишилик масжид қисқа муддатда, яъни 8 ойда ақлни лол қолдирадиган даражада ишланганлиги барчада яхши таассурот қолдирди.

Зиёратчилар, шунингдек, Амир Темур мақбараси, Шоҳи Зинда ансамбли, Регистон майдони ва бошқа тарихий ёдгорликларни томоша қилдилар.

Билим юрти устозлари ва талабалар мудир Абдиҳаким Матқулов ва илмий мудир Таваккал Кенжаевга бу тадбирга бош-қош бўлганликлари учун миннатдорчилик изҳор этдилар.

**Рихсибой ТИЛЛАЕВ,**
**олий тоифали ўқитувчи,**
**халқ таълими аълочиси.**

### КЎҲНА ШАҲАР ТААССУРОТИ

Тўрткўл тумани ХТБга қарашли 64-лицей ўқувчилари тарих ва адабиёт фанларидан олган билимларининг ҳаётий тасдиғини топмоқ ниятида ўқитувчи Гулбаҳор Юсупова бошчилигида Хива шаҳрига саёҳат уюштиришди. Ичон қалъа музейининг илмий ходими Гулсара Иброҳимова шаҳарнинг вужудга келиш тарихи билан ўқувчиларни таништирди. Исломхўжанинг бажарган ишлари, Паҳлавон Маҳмуд мақбараси, Ажиниёз, Махтум-қули музейлари ўқувчилар қалбида ҳайрат чироғини ёлқинлантирди. Ўқувчилар ўз илм масканларига бир олам қувонч билан қайтдилар.

**Тоҳир РЎЗИБОЕВ,**
**64-лицейнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси**

## НЕГА АМИР ТЕМУР ЎЗ НАБИРАСИНИНГ УЙЛАНИШИНИ КЕЧИКТИРГАН ЭДИ?

**(Боши 1-бетда)**

ломалари ҳаётидан ибратли ҳикоятлар сўзлаб бериш, асарларини тарғиб этиш ғоят яхши самара беради. Хусусан, таълим масканларида Мирзо Бедил каби файласуфлардан сабоқ бериш керак. Гиёҳвандлик ва спиртли ичимликлар истеъмол қилинишига қарши аёвсиз курашиш зарур. Уларнинг салбий таъсирларини матбуот материаллари ёрдамида ёритиш жоиз. Соҳибқирон бобомиз Амир Темур набирасининг уйланишини чоғир ичиб қўйганлиги учун узоқ муддатга кечиктирганини сингари ибратли мисолларни такрор-такрор уқтириш керак.

Президентимиз Ислом Каримов ўз асарларида "Маънавият — жуда нозик тарбиявий соҳа. Буни ўзибўларчиликка ташлаб қўйиб бўлмайди", деб ёзадилар. Ишончимиз комилки, 2000 йил — Соғлом авлод йилида ёшларни маънавий пок қилиб тарбиялаш борасида намуна бўларлик ишлар амалга оширилади.

**Раҳматулла ҲАМИДОВ,**
**Қашқадарё вилояти Касби туманидаги лицей-интернат физика фани муаллими**

## "СУМАЛАК" ДАРСИ

### O'qituvchiga yordam

Синф хонаси кўкартирилган буғдой майсалари, «Салом, баҳор!», "Сумалак — кўклам мўъжизаси", "Жонга роҳат сумалак" деган шиорлар билан безатилади. Ўқитувчининг кириш сўзи:

Сумалак тайёрлаш Наврўз билан алоқадор анъанадир. У ҳозирги кунда ҳам кишиларни ўзаро ҳамкорлик, дўстлик ва биродарликка чорлайди.

Қишдан эсон-омон чиқиб олган одамлар бир-икки косадан буғдой йиғиб, ундириб, биргаликда таом пиширишади, бир қозонда тайёрланган овқатни ҳаммалари баҳам кўришади. Сумалак фақат баҳорда пиширилади ва истеъмол қилинади. У форсча "Самоний" — буғдой майсаси сўзидан келиб чиққан. Сумалакни тайёрлашда фақат аёллар иштирок этишади. Уни пишираётган аёллар пазандагина бўлиб қолмай, қадим урф-одатларни, қўшиқ ва лапарларни яхши билган, ҳар томонлама ҳалол, қўли ва дили пок бўлмоғи керак. Сумалак шу қадар беғубор ва нозик, қутлуғ таомки, у пишаётган қозонга нопок юзлар тушмаслиги жоиз. Қайси ҳовлида сумалак пишса, кечқурунлари ўша ерда ўйин-томоша авжига чиқади. Унда болалар ҳам иштирок этишади. Ўқувчилар Наврўз, баҳор, сумалак ҳақида шеърлар, ашулалар, ривоятлар айтишади.

*1-ўқувчи:* — Сумалак пиширишни кишилар бундан 4000 йил олдин билишган. Ривоят қилинишича, бир деҳқон уруғликка олиб қўйилган буғдой донини баҳор келиши билан ивитиб қўяди ва ерига экмоқчи бўлади, аммо бирданига ҳаво айниб, ёмғир ёға бошлайди. Ивитилган буғдой ниш ура бошлайди, деҳқон таваккал қилиб ниш урган ва бироз кўкарган буғдойни майдалайди ва хотинига бундан таом тайёрлашни буюради. Хотини уни қозонга солиб узоқ вақт қайнатади, куймаслиги учун бир неча ювилган тошлар солади. Натижада ширин, тўйимли, мазаси узоқ вақт кишининг ёдида қоладиган таом тайёр бўлади. Келаси йили баҳорда яна шундай таом истеъмол қилиш истаги пайдо бўлади. Таом борган сари халқ ўртасида тарқалиб, баҳорнинг лаззатли таомига айланади.

Ҳар баҳорда сумалак тановул қилган одам ҳечам толиқмас экан.

*2-ўқувчи:* — Азал-азал Наврўзжон
*Байрамларнинг зўрида...*
*Нуроний чол, кампирлар*
*Турар давра тўрида,*
*Келинг, Наврўз сайлига,*
*Сиз ҳам келинг майлига.*

*3-ўқувчи: — Наврўз нишонаси бу*
*Бободеҳқон иш бошлар.*
*Эзгу ният билан у*
*Ерига уруғ ташлар.*
*Келинг, Наврўз сайлига,*
*Сиз ҳам келинг майлига.*

*4-ўқувчи: — Бизнинг элда бу айём,*
*Сумалаксиз ўтмайди,*
*Ялпиз сомса ёпмасдан,*
*Азиз меҳмон кутмайди.*
*Келинг, Наврўз сайлига,*
*Сиз ҳам келинг майлига.*

*5-ўқувчи:* — Сумалак буғдойи ундирилган уйга бегона кишилар киритилмайди. Таҳорат қилиб покланган кўнгли тоза одам буғдой ундириладиган хонага "бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм" деб киради ва майсага сув сепади.

*6-ўқувчи:* — Сумалак пишириладиган қозоннинг қулоғига майсадан "соқол" осиб қўядилар.

*7-ўқувчи:* — Сумалак пиширилаётганда бехосдан ёмғир ёғиб қолса, бирорта тўнғич бола қозон атрофини 3 марта айланиб:

*— Қозоннинг қирғичиман,*
*Онамнинг тўнғичиман.*
*Ёмғирни тиндиргувчиман,*
*Булутларни сўндираман,*
*Сумалакни дўндираман, —*
деса ёғингарчилик тўхтайди, дейдилар.

*8-ўқувчи:* — Сумалак пишириладиган куни янги кийим кийиш одати бор, янги либос кийишга имкони бўлмаган киши ҳеч бўлмаса бирорта оҳорли мато бўлаги билан бармоғини боғлаб қўйса ҳам савоб бўлади, дейдилар.

*9-ўқувчи:* — Сумалакни оила аъзолари ва бошқалар баҳамжиҳат танавул қилишган. Агар у оз бўлса, ҳар ким жимжилоғи билан бир мартадан ялаган. Шу боис халқ орасида "сумалак — бир яламоқ", деган нақл юради.

*10-ўқувчи:* — Сумалак тарқатилгандан кейин яхши ният қилган аёл дошқозонни ювади. Сўнгра дуо ўқиб, қозон ичидаги сувни бирор мевали дарахт тагига тўкади.

Наврўз, у билан боғлиқ бўлган удумларимиз халқимизнинг маънавиятини бойитади. Наврўз ўзининг кўрки-салобати, шаклу шамойили, маъною мазмуни билан янаям юқорироқ поғоналарга кўтарилажак.

**Мавлуда МУРОДОВА,**
**Бухоро шаҳридаги 6-мактабнинг 1-тоифали биология ўқитувчиси**

## ТАЛАБАЛАРНИНГ ЎЗ УЙИ

### Bo'sh vaqt — xush vaqt

Қиз — севинч, ўғил эса, илинж, бу жуда ўз ўрнида топиб айтилган гап, маънолари ўзига хос.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг "Талабалар уйи"дамиз. Қизлар учун алоҳида уй, йигитлар учун бошқа. Хўш, уларнинг яшаш, ўқишдан кейинги дам олиш, умуман, бўш вақтлари қандай ўтмоқда? Бизни ана шу савол қизиқтирарди.

Университет бўйича 7 та талабалар уйи мавжуд. Шулардан 3 таси қизлар учун, яна 3 таси ўғил болалар ва 1 таси аспирантлар учун. Ҳар бир бинода 240—250 нафарга яқин талаба истиқомат қилади. Стадионлар бор, ҳар қайси қаватда "Маърифат-маънавият" хоналари очилган.

Талаба-ёшлар дарсдан сўнг қандай дам оладилар?

Талаба қизларнинг 1-уйида беш-олти қиз кулишиб, ниманидир муҳокама қилишаётган экан, бориб, даврага қўшилдим. Уларни гапга тутиб, яшаш шароитлари, дам олишни қандай ўтказишлари жараёни ҳақида сиполик билан билиб олишга уринмоқчи эдим, мен боғдан келсам, улар тоғдан келишди.

— Бизларни ҳам газетага мақтаб ёзинглар, телевидениедан доим келиб тасвирга олишади. Газетадан ҳеч келишмайди. Яшаш шароитимиз жуда яхши. Худога шукр, ҳамма нарса бор, — деб қий-чув кўтаришди.

— Мен Фотима Обидова бўламан. Талабалар уйи бўйича ташкилий ва умумий раҳбар ҳисобланаман, талаба қизлар кенгаши раисиман. Физика-математика факультетида ўқийман. Қизларимиз ҳаммаси эсли-ҳушли, ақлли, иболи, бирибиридан гўзал. Ёмон ҳулқлилар бизда йўқ.

Вилоятдан келган талабаларнинг ота-онаси учун пуллик дам олиш хоналари бор. Бу ерда ҳамма нарса муҳайё. Байрам дискотекалари уюштирилиб туриладии. Университет "Камолот" жамғармаси қошида "Зиё" гуруҳи бўлиб, байрамларда яхши куй ва қўшиқлар билан талабаларга завқ улашадилар.

**Садриддин Толиповнинг фикри:**

— Ўқишлар яхши, университет ўқитувчилари доим хабар олиб туради. Таклиф ва мулоҳазаларимиз ижобий ҳал қилинади. "Камолот" жамғармаси қизиқарли учрашувлар, концертлар уюштириб туради. Бу ўз уйимиз ҳисобланади. Университет профилакторий-санаториясида дам оламиз.

... Талабалар уйларидан қайта туриб, шундай қарорга келдим. Яхши ният қилмоқ бу ҳам бир буюк бахт. Низомий номидаги педагогика университети талабалари борига шукр қилувчи, йўғига қаноатланувчи ёшлардир. Зеро, бу хислат ўзимизнинг ўзбекларга хос.

**Насриддин БОТИР**



## ЎЙИН МУСТАҚИЛЛИККА ЎРГАТАДИ

### Maktabgacha ta'lim muassasalarida

Бола оламни билишни ҳоҳлайди. Бунинг учун бола ҳайратланиши керак. Ўғил- қизларни ҳайратлантириш, мушоҳадалашга ундаш учун қандай ишлар амалга оширилиши лозим? Шу билан бирга ўйинчоқлар орқали уларнинг нутқини янада ўстирса, ривожлантирса бўладими? Яккасарой туманидаги 116-болалар боғчаси тарбиячиси Наргиза Усмонова ана шу йўналишдаги изланишлари билан жамоада, қолаверса, ота-оналар орасида тилга тушди.

— Наргиза болаларни ҳар хил ўйинлар орқали машғулотлар оламига олиб киради, - деди ушбу боғча методисти Муфаррах Искандарова. — Ҳозир боғчамизда бу усул кенг қўлланилмоқда.

Дарҳақиқат, болажонлар мустақил равишда пластилиндан ҳар хил ўйинчоқлар ясашни, қоғозлардан турли шаклларни қирқишни ўрганишмоқда. Муҳими, улар мустақил ижод қилишни боғча ёшиданоқ ўрганаётирлар, ўзлаштираётирлар. Бу кўникма эса ўғил-қизларга мактаб ҳаётида жуда асқотади. Демак, Н. Усмонова изланишлари билан таълим узлуксизлигига катта ҳисса қўшаётир. Ундан ташқари, бу усул давлат таълим стандартларига жуда мос келади. Ана шу жиҳатдан қараганда, унинг моҳияти янада улканлиги аён бўлади.

**Қ. МАТҚУРБОНОВ**

**СУРАТЛАРДА:**
1. Тажрибали тарбиячи Наргиза Усмонова ўғил-қизлар машғулотини кузатаётир.
2. Болажонлар баъзан билиб, билмаган ҳолда мустақил ишлашга берилиб кетишади.

**Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.**



## ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ ЎҚИТУВЧИЛАРИ ҲАМДА МУТАХАССИСЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги мутасаддилигида ўтказилаётган "Ўзбек тили таълимини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари" доимий илмий-методик анжуманининг (ЎТДА) навбатдаги йиғини 2001 йил апрель ойида ўтказилади.

Анжуман "Она тили — ижодий тафаккурни ривожлантиришнинг асосий омили" мавзуси муҳокамасига бағишланади.

Халқ таълими вазирлиги барча ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари ҳамда шу соҳа мутахассисларини юқорида зикр этилган мавзу юзасидан мунозарали маърузалар билан ЎТДА олтинчи йиғинида иштирок этишларини сўрайди.

Маърузанинг 1-2 бет ҳажмдаги қисқача баёнини (машинка ёзувида, тезис) 2000 йил 1 июлгача Тошкент - 27, Ўзбекистон кўчаси 80, республика Таълим маркази "Ўзбек тили" доимий анжумани ташкилий қўмитасига йўллашингиз сўралади. Тезисларда иш жойингизни кўрсатишингизни унутманг.

**Республика Таълим маркази**

## ХАЛҚ ТАЪЛИМИ РАҲБАРЛАРИ

Мактабгача таълим муассасаси ходимларининг малакасини ошириш бўйича доимий ишлаб турувчи республика курси 2000 йилнинг март ойида қуйидаги тоифалар бўйича режалаштирилган:

1.Мактабгача таълим муассасаси раҳбарлари (10 йилдан 20 йилгача ва ундан ортиқ иш стажига эга бўлган боғча мудиралари учун) — 1.03.2000 — 24.03.2000 йил.

2. Мактабгача таълим муассасаси раҳбарлари — 1.03.2000 — 30.03.2000 йил.

3.Мактабгача таълим услубчилари — 1.03.2000 — 30.03.2000 йил.

4.Янги типдаги муассаса мутахассислари — 1.03.2000 — 15.03.2000 йил.

Курс давомида тингловчилар учун таниқли педагоглар, олимлар, санъаткорлар, матбуот ходимлари билан учрашувлар ва Амур Темур музейи ҳамда бошқа маданий масканларга экскурсиялар уюштирилади.

Тингловчилар учун курс тасарруфидаги кутубхона, қироатхона ва бепул ётоқхона хизматда бўлади. Курсда болалик тингловчилар учун болалар хонаси мавжуд. Суткалик ва йўл харажатлари курс ҳисобидан тўланади.

**МАНЗИЛИМИЗ:**

Тошкент — 95, Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси 6-уй.

Транспорт: Жанубий темир йўл вокзалидан 8- троллейбуснинг Талабалар шаҳарчаси (охирги) бекатигача.

---

3. Педагогик илмий тадқиқотларда методологияни методикага алмаштириш ҳоллари учрайди. Шуни қайд этиш жоизки, хусусий тадқиқот методлари методология бўла олмайди, балки улар тадқиқот методикасига тааллуқлидир. Педагогик тадқиқотлар мантиқини лойиҳалаш, фаразларни асослаш ёки педагогик тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштиришни методологик муаммоларга тегишли, дейиш ҳам нотўғридир. Чунки юқорида санаб ўтилганлар моҳият жиҳатдан илмий тадқиқот олиб бориш методикаси ҳисобланади.

4. Тадқиқотларда "статистик методология", "педагогик методология" каби ифодаларнинг қўлланиши мутлақо нотўғридир. Сабаби фақат фалсафа фанигина методологик база ҳисобланиб, унинг барча бўлимлари, тушунчалари, қонунлари, тоифалари методологик аҳамият касб этиши эътироф қилинган. Шу билан бирга фалсафани методология билан тўлиқ алмаштириш ҳам ярамайди: методология — бу шунчаки фалсафа эмас, балки унинг асосий функцияларини, айрим жиҳатларини ўзида акс эттиради.

5. Баъзан оддий исбот учун ҳам методологиядан "қурол" сифатида фойдаланишга уринишларни кузатиш мумкин. Педагог қандайдир назарий ҳолатни фалсафа қонунларига урғу берган ҳолда тушунтиришга ҳаракат қилади ёки аксинча, муайян педагогик назария тушунчаларини тан олмасдан, "ҳали методологияси ишланмаган", дея инкор этишга уринади.

6. Педагогика фани ва халқ таълимининг барча назарий саволларини ечиш учун методологияни "универсал" воситасига айлантириш ҳам мумкин эмас. Фалсафани методологик қўллаш ижодий жараён ҳисобланади. Педагогик муаммоларни ечишга қаратилган методологик ёндашишни амал-

5

га ошириш нафақат педагогика фанини чуқур ўзлаштириш, балки унинг ҳал этилмаган қирраларини кўра олишни ҳам тақозо этади. Тадқиқотчи ўз методологик тайёргарлигини мунтазам равишда такомиллаштириб борсагина педагогика соҳасида ижод соҳибига айланиши мумкин.

Энди икки оғиз сўз педагогик тадқиқотнинг меъёрий асоси ҳақида. Кейинги вақтларда ҳимоя қилинаётган педагогик тадқиқотларда методологик асос сифатида республикамиз қонунлари ёки таълим тўғрисидаги меъёрий ҳужжатлар (давлат таълим стандартлари, концепциялар) кўрсатилаётир. Бу ҳолни ҳам тўлиқ ижобий баҳолаб бўлмайди. Бу давлат ҳужжатлари муайян назарий ҳолатни баҳолашда ҳамда назарий жиҳатдан асослашда қўл келиши шубҳа туғдирмайди. Бироқ уларни тадқиқотнинг назарий базаси сифатида кўрсатилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хуллас, ҳозирги кунда фаннинг методологик асоси фалсафа фани эканини таъкидлаш жоиз. Фалсафанинг бош масаласи эса объектив борлиқ ва инсон ўртасидаги ўзаро алоқани ойдинлаштиришдир. Олам билан одам боғлиқлигини тадқиқ қилиш инсоннинг чексиз фаолиятини ва характерини ўрганишдир. Индивиднинг шахс даражасида намоён бўлишида тарбиянинг етакчи мавқеини қадимдан файласуфлар тан олишган ва инсон тарбияси муаммоси фалсафанинг асосий масалалари қаторига киритилган. Шу тариқа, фалсафий таълимотлар таркибида педагогик фикр ва ғоялар вужудга кела бошлаган, йиллар давомида ривожланиб борган. Натижада педагогика мустақил фан сифатида ажралиб чиққан. Демак, айтиш мумкинки, педагогика фанининг методологиясини ҳозир (аввал ҳам) жамият тараққиёти қонунларини ифода этувчи замонавий философия, унинг билиш назарияси ташкил этади.

6

Шу ўринда педагогика методологияси фанига нисбатан айрим ноўрин ёндашувлар пайдо бўлаётганини ҳам айтиб ўтиш лозим. Гап шундаки, баъзи бир педагог "нотиқ"ларимиз бу фанга "миллий педагогика" ёки "ўзбек педагогикаси" деб ном беришга уринаётирлар. Бу ҳолатни ижобий баҳолаш мумкинми? Йўқ, албатта! Педагогика фани бошқа фанлар қатори яхлит дунёвий фан эканлигини ҳеч қачон ёддан чиқармаслигимиз керак. Фан эса (асосан) фақат бир миллатга мансуб эмас. Ўйлаб кўрайлик, нима учун "миллий психология", "миллий философия" ёки "миллий математика" деб айта олмаймиз?! Педагогика фанига ҳам худди шундай муносабатда бўлишимиз керак. Педагогика фанининг мазмунини миллийлаштириш, аждодларимиз томонидан яратилган бой қадриятларимиз, халқимиз урф-одат, анъаналаридан фойдаланган ҳолда уни янгича онг ва тафаккур билан бойитиш бошқа масалаки, бу ҳеч кимда эътироз туғдирмайди. Шу билан бирга замонавий педагогика дунё фани ютуқларидан ҳам баҳраманд бўлиши шарт.

Вақтли матбуот нашрларида педагогикани табақалаштиришга, майдалаштиришга, соҳаларга бўлиб ташлашга уринишлар ҳам кўзга ташланаётир. Ачинарлиси шундаки, бу "жонбозлик" педагогика фани вакиллари томонидан кўрсатилмоқда. Мана, эътибор беринг: "театр педагогикаси", "мусиқа педагогикаси", "маънавият педагогикаси". Билмадим, бу ҳолат давом этаверса, яқин

7

орада "миниатюралар педагогикаси", "маданият педагогикаси", "маърифат педагогикаси" ва охир— оқибат "тарбия педагогикаси"га дуч келишимиз ҳеч гап эмас. Бундай мантиқсизликка чек қўйиш лозим.

Юқорида таъкидланганидек, педагогика фани предмети таълим-тарбия қонуниятларини тадқиқ этишга йўналтирилган алоҳида педагогик фаолият ҳисобланади. Инсон тарбиясида, маънавиятида театр, мусиқа, спорт ёки бошқа адабиёт ва санъат турларининг тутган ўрни беқиёс ва бу тўғрида кўп гапириш мумкин. Шу билан бирга маънавий жиҳатдан комил инсон ҳеч қачон бир хил мезонлар билан ўлчанмайди, қолаверса, маънавиятни "шаблон" ёрдамида таркиб топтириб ҳам бўлмайди. Аслида "комил инсон" тушунчаси нисбий тийнатга эга, сабаби, ҳаммага бир хилда ёқадиган инсоннинг ўзи йўқ, бўлиши мумкин ҳам эмас.

Педагогика фани эса бошқа фанлар қатори аниқликни талаб этади, ҳодиса ва жараёнлар ривожини маълум педагогик тизим доирасида ўрганади. Шундай экан, уни турлича ном билан аташ нотўғри.

Педагогиканинг илмий тилни шакллантириши мураккаб жараён ва бу муаммо ҳали етарли даражада тадқиқ этилгани йўқ. Шундай тадқиқотга эҳтиёж мустақиллик шароитида янада ортиб бормоқда. Зеро, ҳар бир илмий атама жиддий илмий ишлар натижалари асосида вужудга келади. Шубҳа йўққи, педагогика фани ривожланиши билан унинг илмий тилига оид методологик муаммоларга ҳам келажакда етарлича эътибор қаратилади.

**Нурали САЙИДАҲМЕДОВ,**
**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Олий Педагогика институти педагогика ва психология кафедраси мудири**

8

*Озолмай юрганларга танлов ҳайъати шундай маслаҳат беради: югуринг, тинмасдан югуринг, вазн ташламасангиз бизга келинг.*



# СОҒЛОМ муҳит авлод фикр



*Марказий Осиё табиий ресурсларга бой, жаннатмонанд минтақа. Аммо бу бойликлар битмас-туганмас, Аллоҳ таолло томонидан абадий мулк қилиб берилган, деган маънони англатмайди.*

*Табиий бойликлар чегараланган, аҳоли сони эса бунга қарама-қарши тарзда кун сайин ортиб бормоқда. Аҳоли сонининг ўсиши ва табиий ресурсларнинг қисқариши, камайиши ва ифлосланиши оралиғидаги номутаносиблик эса дақиқа сайин янада яққолроқ кўрина бораяпти. Хўш, оқибати мислсиз йўқотишларга сабаб бўладиган бундай инқироз йўлидан қандай қилиб чиқиб кетиш мумкин? Экологик муаммолар келиб чиқишининг бир учи кишиларнинг бу хусусдаги фикрларининг саёзлиги, дунёқарашларининг шаклланиб-шаклланмаганлиги билан боғлиқ эмасмикин? Экология билан боғлиқ муаммоларда аҳоли масъулиятини тушунтириш, умуман жамоатчилик фикрини шакллантириш йўли билан муаммони ҳал қилиш мумкинми? Албатта, экологик муаммоларни ҳал этишнинг энг маърифатли усули, уларни оқилона ечишнинг мақбул ва умид қилиш мумкин бўлган йўли — жамоатчилик фикрини шакллантиришда.*

*Оролни қутқариш халқаро фонди Ижроия Қўмитаси GEF Агентлиги "В" — Жамоатчилик фикрини шакллантириш компоненти бош мутахассиси Нодиржон Махсумовнинг бу борадаги фикрлари қуйидагича:*

*- Ўтган давр мобайнида бизда табиий бойликларга нисбатан жамоатчилик фикрини шакллантириш ва омма фикри билан доимо ҳисоблашиш, уни эътиборга олиш масаласига деярли аҳамият берилмаганди. Собиқ мафкура, у дунёга келтирган яккаҳокимлик тушунчаси жамоатчилик фикридан (ҳолбуки, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи) юқори турган. Давлатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш баҳонасида юз минглаб гектар чўллар пахтазорларга айлантирилиши оқибатида Орол денгизининг қуриб қолиши, минтақада экологик вазиятнинг издан чиқиши фикримиз исботидир.*

*GEF Агентлигининг Жамоатчилик фикрини шакллантириш компоненти Жаҳон банки ва Оролни қутқариш халқаро фондининг ўзаро келишуви асосида 1998 йилдан ўз фаолиятини бошлади. Компонентнинг асосий мақсади Марказий Осиё давлатлари аҳолисининг айниқса, қишлоқда яшайдиган аҳолининг табиий бойликларга бўлган эскича қарашларни янгича ва замонавий қадриятлар асосида ўзгартириш, улғайиб келаётган ёш авлод онгида сув, ҳаво, ер, қўйинггки, табиатга нисбатан меҳр-шафқат ҳисси ва фикрини шакллантиришдан иборат. Бу борада компонентда жамиятнинг барча қатламлари (давлат бошқаруви ва ижро тизими, ОАВ, таълим, қишлоқ хўжалиги, сувни бошқариш соҳалари, интеллектуал салоҳият эгалари)га бирдек дахлдор, аммо ўзига хос ёндашувга асосланган амалий ишлар бошланган.*

*Компонентда Қаерга, Кимга, Нимага кўпроқ эътибор бериш керак ва Нима учун деган саволларга таянган ҳолда иш олиб борилмоқда. Айтайлик, Тожикистон ва Қирғизистонда сув мўл-кўл. Бу давлатлар аҳолиси ўртасида сувни тежанг, дейиш билан бирга, сувни тоза сақланг, уни ифлос қилишга йўл қўйманг, маъносида кўрсатув, эшиттириш ва мақолалар эълон қилинса, янада таъсирчанроқ бўлади. Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркманистонда эса қатра сувни ҳам тежаб-тергаб фойдаланиш зарурлигига кўпроқ эътибор берилади. Сувдан кундалик равишда бошқаларга нисбатан кўпроқ фойдаланаётган фермер-деҳқон билан эндигина мактабга қадам қўйган ўқувчи онгига, албатта, моҳиятан фарқланмайдиган бир масала ёшига, касбига, фикрлашига кўра икки хил кўриниш ва усулда етказилади.*

*Жамоатчилик фикрини шакллантириш масаласи бир кун ёхуд бир - икки йилда ҳал бўладиган иш эмас. Халқимизда сув томиб-томиб тошни ёради, деган нақл бор. Шунга кўра, инсон онгига ерга, сувга бўлган муносабат ва қарашлар ҳам аста-секинлик билан ўзгара боради, янгича ҳолда шаклланади. Албатта, бунинг учун маълум вақт керак. Шуни инобатга олган ҳолда ўтган йили "Маърифат" газетаси орқали ўқувчилар ўртасида сув ҳақида ёзилган энг яхши иншолар танлови ўтказилди. Бу йил ҳам Халқ таълими вазирлиги билан келишилган ҳолда республикамиз мактаб ўқувчилари ўртасида "Бобом-отам - мен" ("Момом — онам - мен") мавзуида иншолар танлови ўтказиш ниятимиз бор. Бундан кўзланган мақсад жамиятнинг барча аъзоларини қамраб олган ҳолда ижтимоий фикрни шакллантиришдан, ёшларни сув ҳақида, табиат ҳақида фикрлашга ундаш, миллий ва маънавий қадриятларимизга суянган ҳолда уларнинг онгига, шуурига таъсир этишдан иборатдир.*

*Бу борада Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистон республикаларида ҳам маълум тажрибалар тўпланди. Яқиндан бошлаб Туркманистонда ҳам бу масалага жиддий эътибор берила бошланди. Айни пайтда минтақамиздаги барча давлатларда телевидение, радио, матбуот ва матбаа имкониятларидан кенг фойдаланилган ҳолда қизиқарли кўрсатув, эшиттиришлар эфирга узатилмоқда, мақола ва китоблар, тақвим ва кўргазмали плакатлар чоп этилмоқда.*

*Сўзим сўнгида бир масалани алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Орол муаммоси ечимини биз БМТдан ҳам, Жаҳон банкидан ҳам, GEF Агентлиги ёки океанортидан ҳам излашимиз шарт эмас. Муаммони имкони борича ижобий ҳал этиш ўзимизнинг қўлимизда. Бунинг учун фақат чиройли сўзлар билан эмас, балки, ҳар бир виждонли, ўзи ва миллатининг келажагини ўйлаган инсон амалий ишлари билан жавоб берсагина эзгу мақсадимизга тезроқ етамиз.*

*Зеро, соғлом муҳитгина соғлом авлоднинг гарови бўла олади. Ўз навбатида ана шу авлод ўзининг соғлом ва мустақил фикри билан барча масалаларни ҳал эта олиши мумкин.*

**Суҳбатни Норали ОЧИЛОВ ёзиб олди**

## РАҲИМ БЕКЖОНОВИЧ БЕКЖОНОВ



Ўзбекистон фани оғир жудоликка учради. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, Абу Райҳон Беруний номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти совриндори, физика-математика фанлари доктори, профессор Раҳим Бекжонович Бекжонов узоқ давом этган касалликдан сўнг 70 ёшида вафот этди.

Раҳим Бекжонов Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетининг физика-математика факультетида таҳсил олган, ядро физикаси соҳасида етук мутахассис, илмий ишлари халқаро миқёсда эътироф этилган таниқли олим даражасига етишган инсон эди. Унинг раҳбарлигида машҳур бўлган, Ўрта Осиёда биринчи атом ядролари спектроскопия илмий мактаби яратилди. Р.Бекжонов 1989 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳақиқий аъзоси этиб сайланди.

Академик Р.Бекжонов Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институтининг экспериментал базасини яратиш, Ўзбекистонда ядро физикаси фанини ривожлантириш, илмий тадқиқотлар натижаларини амалиётга жорий этиш ва ривожланган мамлакатлар билан халқаро илмий ҳамкорликни кенгайтиришга салмоқли ҳисса қўшди.

Р.Бекжонов самарали педагогик фаолият ҳам олиб борди. Кўп йиллик педагогик тажрибасини умумлаштириш асосида биринчи марта ўзбек тилида республика олий ўқув юртлари ва мактаблари учун физика фани бўйича ўқув қўлланмалари яратган. У юқори малакали кадрлар тайёрлашга катта ҳисса қўшган олимдир. Унинг бевосита раҳбарлигида кўплаб фан номзодлари ва фан докторлари тайёрланган.

Академик Р.Бекжонов ўзидаги ватанпарварлик, ташаббускорлик ва тинимсиз янгиликка интилувчанлик каби фазилатларни шогирдларига сингдира олган. Унинг кўплаб юқори малакали шогирдлари фан, таълим ва саноат соҳаларида самарали меҳнат қилмоқда.

Таниқли олим, илмфаннинг фидойиси академик Раҳим Бекжоновнинг ёрқин хотираси қалбимизда абадий сақланиб қолади.

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,**
**Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат қўмитаси.**

## Xullas...

### ЮГУРИШ ОЗДИРАР ЭКАН...

Стивен Кингнинг "Озувчилар" асари қаҳрамонлари Эстонияда ўтказилган танлов ҳақида эшитсалар борми, югуриб келган бўлишарди. Китоб қаҳрамонлари озиш учун шу даражада ҳаракат қилдиларки, у ёғини қўяверасиз.

Таллиндаги танловга келсак, ортиқча вазндан жони ҳалакларнинг бари шу ерда. Такси ҳайдовчи Урмас деган кишининг оғзи қулоғида. Бир йил муқаддам унинг оғирлиги 140 кило тош босар эди. Ҳозир эса 70 килограмм. Бунга у қандай эришди?

Танлов ташкилотчиларининг шартига кўра, у ҳар куни 10 километр масофага лўкиллаб ўпкаси оғзидан чиққудек югуради. "Астойдил йиғласанг, сўқир кўздан ҳам ёш чиқар" деганларидек, жон-жаҳди билан югуриш пойтахт таксичисига катта самара келтирди. Бир йилда 70 кило озиш, ахир, бу, сенсация!

Аёллар мусобақасида эса Сильва исмли хоним 120 кило вазнининг 40 килосидан "қутулиб" дўпписини осмонга отди.

Озолмай юрганларга танлов ҳайъати шундай маслаҳат беради: югуринг, тинмасдан югуринг, вазн ташламасангиз, бизга келинг.

### БЎРИНИНГ "ИШИ" ҒАЖИМОҚ

Сибир қорликларини биласиз, қалин, ғарч-ғурч. Одамлар-ку "чимчилайдиган" совуқдаги тирикчиликка кўникишган. Пиймапўстин, қулоқчин, қўлқоп билан "қуролланиб" у ёқбу ёққа бораверадилар.

Сибир қорликларида кун кўриш ҳайвонларга ҳам жиддий қийинчилик туғдириши табиий. Энг муҳими эса емиш масаласидир. Қаёққа қарама, қор барханлари, унинг тагини минг ковлаб титкилагин, ҳеч вақо йўқ.

Тюмен вилоятининг бир нечта туманларида озуқа тополмай изғиб юрган бўрилар хонадонлардан бирига тунда бостириб киришди, деб хабар беради "Тюменская линия" агентлиги. Улар ўнтача қўйни ғажиб, уй соҳибасини "қон қақшатишган". Овчилар кул ранг "қароқчилар"ни тутиб олишнинг уддасидан чиқолмадилар.

Бўрининг иши ғажимоқ эканлигини ким ҳам инкор эта оларди?

### "ЯЛМОҒИЗ КАМПИР МУЗЕЙИ"

Эртак қаҳрамони салбий маънода тасаввуримизда "михланган " бўлса-да, ўз йўлига у ҳам керак. "Шимолий Россия" миллий боғида эртак қаҳрамонларига бағишланган музей ташкил этилди.

Музей Кириллов шаҳридаги экологик маданий марказ ходимларининг ташаббуси билан вужудга келди. Мақсад — мамлакат ва хорижий саёҳатчиларнинг эътиборини тортиш. Марказ директори Анна Репина журналистларга берган интервюсида айтдики, барча экспонатлар фақат ялмоғиз кампирга бағишланмайди. Эртак қаҳрамонлари қаторида халқ оғзаки ижодининг барча жиҳатлари қамраб олинади. Христиан давригача бўлган қадимий славянлар эътиқоди... Сув париси, алвасти, жинлар, девлар...

Музейда уларнинг ҳақиқий башараси акс этган. Албатта, улар ясама, лекин тасаввурингизда "яшаётган" қиёфаларнинг нақ ўзи!

**ana shunaqa gaplar...**

## Sport maydonchasi

### ШУЛЬГА ҲАМ РОССИЯДА

**"Трактор"нинг истеъдодли ярим ҳимоячиси Денис Шульга ҳам Россияда тўп сурадиган бўлди. У, шунингдек, Андрей Фёдоров "Факел" (Воронеж) клубида синовдан ўтмоқда. Александр Саюн эса "Зенит" клуби таркибида янги мавсумни бошлаши мумкин.**

### ТАИЛАНДЧА БОКС

**Осиёда кенг тарқалиб, жаҳонни забт этаётган муай-тай мамлакатимизда ҳам ривожланаётир. Яқинда бўлиб ўтган ўсмирлар ўртасидаги республика биринчилиги фикримизни далиллайди. Унда Самарқанд вилоятининг ёш муай-тайчилари умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллашди.**

### БИР ЎРИНГА ТЎРТ ДАЪВОГАР

**Футбол бўйича Ўзбекистон биринчилиги биринчи лигасининг 18-жамоаси бўлиш учун бирданига 4 жамоа "курашаяпти" – "Цементчи"(Қизилқум), "Янгиер", "Ёшлик" (Тўрақўрғон), "Солиқчи" (Оҳангарон). Республика футбол федерацияси тез кунларда бу масалага охирги нуқтани қўяди.**

### КАФЕЛЬНИКОВ – БИРИНЧИ

**Жаҳоннинг биринчи ракеткаси Андре Агасси касалланиб мусобақаларда иштирок этмай қўйганидан фойдаланган Евгений Кафельников иккинчи ўриндан биринчи ўринга чиқиб олди. Аёллар ўртасида эса Мартина Хингис ҳамон биринчи ўринда бормоқда.**

### ПЕЛЕ – МАРАДОНА – КРОИФ

**"Франс футбол" ҳафталигининг ўтказган сўров натижаларига кўра, асримизнинг энг кучли уч футболчиси худди шу тартибда эълон қилинди. Метьюздан тортиб, Ривалдогача – барча "Олтин тўп" соҳиблари иштирок этган сўровномада овоз берганларнинг барчаси Пелени қайси ўриндадир, барибир, тилга олишган.**


## НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

***Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультети қошидаги пулли-шартнома асосида фаолият кўрсатувчи "Нопедагогик олий ўқув юртларини битириб педагогик фаолият билан шуғулланаётганларга педагогик-психологик йўналиш бериш курси"га ва "Вазирликлар, концернлар, ишлаб чиқариш бирлашмалари ходимлар бўлими ва девонхона ходимларининг Давлат тилида иш юритиш бўйича малакасини ошириш курси"га тингловчиларни***

### ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Факультетда таълим юридик шахслар (ишлаб чиқариш корхонаси, идора, корпорация, акционерлик жамоаси ва ҳоказо) буюртмаси асосида уч томонлама ёки жисмоний шахслар билан икки томонлама тузилган пулли-шартнома асосида амалга оширилади (тўлов миқдори ва тартиблари шартномада кўрсатилади).

Ўқиш кундузги шаклда ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ташкил этилади. Курсларда ўқиш истагини билдирганлар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқитувчиларини малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультети раҳбариятига қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

1. Университет ректори номига ариза.
2. Олий маълумоти тўғрисидаги дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси (ходимлар бўлими ва девонхона ходимлари учун бу шарт эмас).
3. Шартномада белгиланган миқдордаги маблағ университет ҳисобига ўтганлиги ҳақида варақа (квитанция).
4. 4 дона фотосурат (3/4 ҳажмда).

### ЎҚИШ МУДДАТИ

"Нопедагогик олий ўқув юртларини битириб, педагогик фаолият билан шуғулланаётганларга педагогик-психологик йўналиш бериш курси"да — 2 ой.

"Вазирликлар, концернлар, ишлаб чиқариш бирлашмалари ходимлар бўлими ва девонхона ходимларининг Давлат тилида иш юритиш бўйича малакасини ошириш курси"да — 1 ой.

Ҳужжатлар 2000 йил 25 февралдан қабул қилинади. Курсни муваффақиятли тугатганларга сертификат берилади.

**Мурожаат учун адрес:** Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй. (Университет ректорати биноси, 5-қават, 5-01-хона. Тел.: 55-55-74).


## ДИҚҚАТ, МУСОБАҚА!

***Азиз ўқувчилар!***

***Газетамиз муҳарририяти Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси Матбуот шўъбаси билан ҳамкорликда "Миср — 8 минг йиллик маданият бешиги" номи остида мусобақа ўтказишга қарор қилди. Мазкур мусобақада биринчи ўринни олган 6 ғолиб Мисрга бепул сафар йўлланмаси билан, яна 15 ғолиб эса электр ва радио жиҳозларидан иборат қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.***

***Мусобақа материаллари <u>март ойининг иккинчи ҳафтасидан бошлаб</u>, ҳар икки ҳафтада бир марта бериб борилади.***

***Имкониятни қўлдан бой берманг!***

Низомий номли Тошкент давлат педагогика университети ректорати ва жамоат ташкилотлари ҳамда ўзбек тили ва адабиёти факультети жамоалари умумий тилшунослик кафедрасининг профессори, филология фанлари доктори Низомиддин Маҳмудовга онаси

**БУСОРА аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Чилонзор тумани халқ таълими бўлими ва 179-мактаб маъмурияти математика ўқитувчиси Қурбон Эргашевга умр йўлдоши

**Мухтабар ЭРГАШЕВА**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси, Тошкент вилояти педагогик ходимлар малакасини ошириш институти жамоаси ҳамда касаба уюшмаси "Мактабгача таълим" кафедраси мудири Нурия Мухаммедовна Зиганшинага опаси

**Зайтуна МУХАММЕДОВНАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


Ma'rifat

*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.*

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

*Таҳрир ҳайъати:* Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона 136-54-10, масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.

Газетани IBM компьютерида Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.
Навбатчилар: Шарифа МАДРАҲИМОВА, Нурлан УСМОНОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-197. Тиражи 50.041.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

*«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.*
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти -20.00.
Топширилди — 20.00